


# **Surxondaryo viloyati investitsiya salohiyati to'g'risida**



**ТЕРМИЗ 2020-2021**

**Сурхондарё вилоятида Ҳудудий дастурлар, тўғридан-тўғри хорижий  
инвестицияларнинг ўзлаштирилиши ҳамда экспорт прогноз  
кўрсаткичларининг ижроси тўғрисида  
МАЪЛУМОТ**

## **I. Ҳудудий инвестиция лойиҳалари бўйича:**

Вилоят ҳокимининг “2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил

21 февралдаги К-71-сон қарорига асосан 2020 йилда

**1,6** трлн. сўмдан зиёд бўлган **448** та лойиҳани амалга ошириш орқали **4,7** мингдан зиёд янги иш ўринларини яратилиши режалаштирилган.

Жумладан саноат соҳасида қиймати **505** млрд. сўмлик

**121** та, қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати **498** млрд. сўмлик

**128** та, хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати **617** млрд. сўмлик

**199** та лойиҳалар ишга туширилиши кузда тутилган.

**Январь-декабрь** ойлари давомида дастур доирасида


**1066** та лойиҳа доирасида **3,4** трлн. сўм инвестиция маблағлари ўзлаштирилиб, умумий қиймати **2,5** трлн. сўмга яқин бўлган

**752** та лойиҳа фойдаланишга топширилди (2019 йил **593** та, режага нисбатан **167** %)

Шундан, **1** трлн сўм лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағи, **634,3** млрд. сўм банк кредити маблағлари, **57,6** млн. доллар хорижий кредит линияси маблағлари, **37,3** млн. доллар хорижий инвестиция маблағлари ўзлаштирилди.

Ушбу лойиҳалар эвазига эса **6,4** мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилди (2019 йил **5387** та, режага нисбатан **136** %).

Мазкур лойиҳаларни соҳалар кесимида тахлил қиласақ, саноат соҳасида қиймати **764,1** млрд. сўмлик **196** та (**2728** та иш ўрни), қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати **812,2** млрд. сўмлик **213** та (**1528** та иш ўрни), хизмат кўрсатиш соҳасида қиймати **879** млрд. сўмлик **343** та (**2224** та иш ўрни) лойиҳалар фойдаланишга топширилди.



Шунингдек 2020 йилда умумий қиймати **1,2** трлн. сўмга яқин **41** та стратегик аҳамиятга эга йирик инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши таъминланди

Натижада ушбу йирик объектларни ишга туширилиши эвазига **1,3** мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.


Мисол учун, Термиз шаҳрида қиймати **15** млрд. сўмлик **50** та иш ўрни яратиш имкониятига эга бўлган "GLASS EXPO SURXON" МЧЖнинг йиллик **30** минг метр кв ойнага ишлов бериб турли хил маҳсулот ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилди.


Шунингдек, Олтинсой туманида қиймати **85** млрд. сүмлик

**70** та иш ўрнига эга "Хўжаипок Санаторияси Соғломлаштириш Маркази  
Мажмуаси" МЧЖнинг "Хўжаипок" сиҳатгоҳида


(**200** ўринли) замонавий соғломлаштириш марказини ташкил этиш лойиҳаси  
ишга туширилди.

Бойсун туманида қиймати **10** млрд сүмлик **10** та иш ўрнига эга "Бойсун Лано"  
МЧЖнинг йиллик **17** минг тонна Қўй жунидан ланолин ишлаб чиқариш лойиҳаси  
ишга туширилди.






Денов туманида “**Сино силк**” корхонаси томонидан қиймати  
**5 млн. долларлик** кластер усулида пиллани қайта ишлаш ва ипакли тайёр  
маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилиб, **80 та** доимий ва  
**6 минг 500 та** мавсумий янги иш ўринлари яратилади.



Термиз туманида **“Инденим текстиль” МЧЖ** томонидан қиймати **84 млрд сүмга** тенг бўлган тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади ва **500 та** янги иш ўрни яратилади.



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар ва туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қарорлари бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шаҳар ва туманларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш қарорларига асосан 2020 йилда умумий қиймати **985** млрд. сўмлик **217** та лойиҳаларни амалга оширилиши эвазига **3,3** мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган эди.

2020 йил якуни билан **612** та лойиҳа доирасида **1,6** трлн. сўмдан зиёд инвестициялар ўзлаштирилиб, жами қиймати **1** трлн. **175** млрд. сўмлик **412** та инвестиция лойиҳалари фойдаланишга топширилди ва **3,5** мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши таъминланди.

## **II. 2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредит маблағларини ўзлаштириш бўйича.**

**2020-2022** йилларга мўлжалланган Инвестиция Дастурига асосан умумий қиймати **581,6** млн. долл.га teng **36** та лойиҳа доирасида


2020 йилда **159,2** млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредитларни ўзлаштириш белгиланган.

2020 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида **221,2** млн. долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредит маблағлари ўзлаштирилиб, белгиланган йиллик режа **139 %** га бажарилди.

Инвестиция Дастурига мувофиқ 2020 йилда қиймати **52,1** млн. долл.га teng **6** та иирик лойиҳаларни ишга тушириш белгиланган.

2020 йилда **6** та лойиҳа доирасида, **40,8** млн. долл. инвестициялар ўзлаштирилиб, **30,8** млн. долл.га teng **5** та лойиҳа ишга туширилди ҳамда **315** та доимий, **400** дан зиёд мавсумий иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, 2020 йилда амалга оширилиши режалаштирилган умумий қиймати **8,4** млн. долл. бўлган Денов туманидаги "Голд Бизнес Про" МЧЖ томонидан темир бетон маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси бўйича асбоб-ускуналар олиб келиниб, ўрнатиш ишлари якунланган, синов тажриба ишлари олиб борилмоқда. Синов тажриба ишлари якунланганидан сўнг лойиҳани фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиши режалаштирилган.



## **2021-2023 йиллар Инвестиция Дастурини шакллантириш юзасидан амалга ошириладиган ишлар.**

2021-2023 йиллар Инвестиция Дастурини шакллантириш бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда ишларни ташкил қилиб, 2021-2023 йилларда умумий қиймати **703,9** млн.долларга teng **40** та лойиҳа амалга оширилиши натижасида **5735** та янги иш ўринлари яратиладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқдик.

Унга кўра, 2021 йилда **40** та лойиҳалар доирасида **264** млн. долларлик инвестициялар, жумладан **166.** млн доллар тўғридан-тўғри хорижий

инвестициялар ўзлаштириш кўзда тутилган.

Дастурнинг амалга оширилиши ҳисобига қуйидаги кўрсаткичларга эришилади:


**Биринчидан**, 2021 йилда жами **11** та инвестиция лойиҳаларида амалий ишлар олиб борилиб, 2021 йил якунига қадар умумий қиймати **80,4** млн. долл.га тенг **11** та лойиҳа ишга туширилади.

Мисол учун,

1. Термиз туманида "**TERMIZ KANSELARIYA MOLLARI**" МЧЖ томонидан Телевизор ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси (қиймати 6,3 млн. долл. 50 та иш ўрни) ишга туширилади.

2. Қизириқ туманида "**QIZIRIQ TEXTILE**" МЧЖ томонидан Тайёр трикотаж махсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси (қиймати 5 млн. долл. 500 та иш ўрни) ишга туширилади.

**Иккинчидан**, Лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида **1680** та янги ўринлари яратилади.



### **III. 2020 йил экспорт кўрсаткичлари бажарилиши**

2020 йилнинг 12 ойи учун **350,2** млн. **долларга** тенг экспорт прогнози белгиланган бўлиб, амалда **245,2** млн. долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, прогноз **70,0 фоизга** бажарилди (2019 йилга нисбатан 103,7 %).

(саноат маҳсулотлари экспорт ҳажми 144,2 млн долл, прогноз ижроси 132,5%, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ҳажми 100,9 млн долл. прогноз ижроси 41,8%).

Вилоят корхоналари томонидан **26** та давлатга экспорт амалга оширилиб, **90 фоизи** 7 та давлат ҳиссасига тўғри келади. Булар, **Хитой** (27,5%), **Афғонистон**

(21,5%), **Покистон** (18,0%),  
**Россия** (10,0%), **Қирғизистон** (6,8%), **Тожикистон** (6,2%),  
**Туркия** (5,7%) ҳамда 3 та (*Сингапур, Эстония, Арманистон*) янги давлатлар бозорлари ўзлаштирилиши ҳисобига 3,3 млн.долларлик ва 7 та (*пойабзал, дори воситалари, вино, супурги, кўчатлар, уй қушлари*) турдаги маҳсулотлар ҳисобига 2,4 млн.долларлик экспорт амалга оширилди.

Шунингдек, вилоятдаги экспортёр корхоналарнинг фаолияти яқиндан ўрганилиши натижасида кўплаб корхоналарда турли-хил муаммолар мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан қуийдаги амалий ишлар амалга оширилди.


**Биринчидан**, маҳсулотлар экспортга йўналтирилгандан кейин қайтарилиши лозим бўлиб бироқ, қайтарилимаган ҚҚС маблағлари бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Давлат Солиқ қўмитасига, Молия вазирлигига қилган мурожаатларимиздан келиб чиқиб, **57,9** млрд. сўмлик ҚҚС маблағлари **14** та экспортёр корхоналаримиз ҳисоб-рақамига қайтарилишига эришилди .

**Иккинчидан**, айланма маблағ олиш масаласида қатор муаммоларга учраётган **39** та корхоналарга Вилоят ҳокимлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги орқали Республика тиҷорат банкларига мурожаат этилиши натижасида **109,7** млрд. сўмлик айланма маблағ кредити ажратилишига эришилди.

**Учинчидан**, Евropa давлатларига табиий мева-сабзавот ва қайта ишланган маҳсулотларимизни экспорт қилинишида (“Global-G.A.P”, “ISO-22000”, “ISO-9001”, “Organic”, “ОЕКО-ТЕХ” ва “Halol”) халқаро стандарт сертификатларини олиниши юзасидан талабгорлар доимий ўрганиб борилмоқда. Юборилган талабгорлар рўйхатига асосан, агентлик томонидан **“GOLD DRIED FRUITS EXPORT” МЧЖ**, **“Олтинсой боддорчилик, узумчилик ва агросаноат кластери” МЧЖ** “AGRO PROCESSING GROUP” МЧЖ, **“AGRO FEED” МЧЖ** “Best Veg” МЧЖ, **“AGTKSH-MUSHTARIY” МЧЖ**, **“UZ Agro Lider” МЧЖ** ҳамда **“CHINNI OY SERVIS” МЧЖ**ларига “GLOBAL G.A.P”, “HALAL”, “ORGANIC”, “ISO 9001” ва “ISO 22000” халқаро стандарт сертификатлари тақдим этилди.

**Тўртинчидан**, 2020 йил 7 майда Муҳтарам юртбошимизнинг “Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш” тўғрисидаги ПҚ-4707-сонли қарорига мувофиқ, экспортёр корхоналар томонидан хорижий давлатларга транспорт орқали экспорт амалиётини амалга оширишдаги харажатлар миқдорини 50% компенсация тарзида қайтариб берилиши юзасидан Экспортни рағбатлантириш агентлигига тақдим этилган корхоналардан **3** тасига “Бэст Вэг” МЧЖ, “Голд Драйд Фрутс Экспорт” МЧЖ ҳамда “Сурхон Сифат

Текстил” МЧЖларга транспорт харажатларининг 50 фоизи қайтарилиди, қайтарилиган маблағ **337,8** млн. сүмни ташкил этди.



2021 йилда вилоятда саноатни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни ошириш ҳамда ярим тайёр ва тайёр қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйиш орқали жами экспортни **282,8** млн. долларга етказиш лозим. Бунга йўналишлар бўйича:

- саноат маҳсулотлари экспортини **143,9** млн. долларга етказиш;
- мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини **138,9** млн. долларга етказиш.